

лигига тенг равишда таъсир кўрсатмайди. Шунинг учун иқтисодий таҳлил ва иқтисодий сиёсатда инвестициявий салоҳият ва инвестициявий жозибдорлик туунчаларини фарқлаш талаб этилади.

Фикримизча, "инвестициявий салоҳият" тушунчаси инвестиция жараёнини, унинг имкониятлари, нуқтаи назаридан, инвестициявий жозибдорлик эса муайян объектларга инвестиция киритиш учун рағбатлантириш нуқтаи назаридан, акс эттиришга қаратилган, "инвестиция муҳити" категориясининг вазифаси эса инвестиция жараёнининг шартлари, омиллари ва суръатларини кенг изоҳлашдир. Инвестициявий жозибдорлик инвестициявий салоҳиятни кенгайтириш омили сифатида ҳам, умумий инвестициявий салоҳиятдан фойдаланиш даражаси омили ва пировардида турли хўжалик юритувчи субъ-

ектларнинг реал инвестициявий фаоллиги омили сифатида ҳам хизмат қилади.

Инвестиция муҳити тўғридан-тўғри алоқалар тизимининг инвестициявий салоҳият ҳажми ва объектларнинг инвестициявий жозибдорлигини шакллантирувчи омиллар тизими билан бўлгани каби, қайта алоқалар, ва инвестициявий фаоллик ҳамда инвестицияларнинг инвестициявий салоҳият ривожига объектларнинг инвестициявий жозибдорлигига нисбатан натижавийлиги таъсири билан ҳам шаклланади.

Бунда, инвестиция муҳитини тадқиқ қилишда нафақат тадбиркорликни рағбатлантиришга, балки давлат ва минтақавий органларнинг инвестиция жараёнлари учун шарт-шароитлар яратиш фаолиятига, унинг қисқа муддатли эмас, балки барқарор тавсифига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Манба ва адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. [Lex.uz](http://lex.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495- сонли «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. www.lex.uz
3. Узбекистан – деловой партнер (потенциал преобразований, инвестиционный климат). Ташкент, 1996.
4. Алиев А.И. Методы оценки инвестиционного климата // Современные наукоемкие технологии. 2004. № 2. 122–123 бб;
5. Благодатин А., Лозовский Л., Райзберг Б. Финансовый словарь. М., Инфра-М, 2001. 124б.
6. Кирюхин В.В. Инвестиционный риск в анализе инвестиционной привлекательности // Проблемы современной экономики. 2006. № 3. 19б.
7. Мальков Э.Д. Оценка инвестиционного климата в России // Ташқи иқтисодий бюллетень. М.: 2000. № 1. 34–40 б;
8. Подшиваленко Г.П. Инвестиционный климат и инвестиционная привлекательность. // Финансовая аналитика: проблемы и решения. 2010. № 15.
9. Ройзман И.И. Типология инвестиционного климата регионов на новом этапе развития российской экономики // Инвестиции в России. 2003. № 3. 7–8б.
10. Самарходжаев Б. Инвестиции в Узбекистане. Тошкент, Академия, 2003. 34б.
11. Сачук Т.В. Территориальный маркетинг. СПб.: Питер, 2009. 78б;
12. Сукиасян А.А. Методика оценки инвестиционного климата региона // Государственное управление. Электронный вестник. № 31 сон. 2012.1–11б;
13. Хашимова Н.А. Совершенствование научно-методологических основ развития инвестиционного потенциала в республике Узбекистан / Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини оли учун Автореферат. Тошкент-2017.
14. Шарп У. Ф., Александер Г. Дж., Бэйли Дж. В. Инвестиции. Москва, ИНФРА-М, 2009. 46–49бб;
15. <http://www.raexpert.ru/ratings/>

САНОАТДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Хакимов Зиёдулла Ахмадович -

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
Маркетинг кафедраси катта ўқитувчиси, PhD**

Раджабов Бунёд Абдухалилович -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети,

Иқтисодиёт таълим йўналиши 3 курс ЕК-02-гурӯх талабаси

Аннотация. Мақолада саноат корхоналарида инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигини баҳолашнинг илмий-назарий жиҳатлари ўрганилган. Саноат корхоналарининг инвестицион лойиҳаларини бошқариш модели таклиф этилган. Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш самарадорлигини халқаро ва миллий стандарт талабларидан келиб чиқиб баҳолаш усули таклиф этилган.

Калит сўзлар: Саноат, инвестиция, рақобат, лойиҳа, инвестицион лойиҳа, лойиҳа самарадорлиги, лойиҳа бошқаруви, халқаро стандартлар, миллий стандартлар, лойиҳа менежери.

Аннотация. В статье изучены теоретические аспекты оценки эффективности инвестиционных проектов на промышленных предприятиях. Предложена модель управления инвестиционными проектами промышленных предприятий. Предложен метод оценки эффективности инвестиционных проектов на основе международных и национальных стандартов.

Ключевые слова: промышленность, инвестиция, конкуренция, проект, инвестиционный проект, эффективность проекта, управление проектами, международные стандарты, национальные стандарты, руководитель проекта.

Annotation. The article studied the theoretical aspects of evaluating the effectiveness of investment projects in industrial enterprises. A model for managing investment projects of industrial enterprises is proposed. A method for evaluating the effectiveness of investment projects based on international and national standards is proposed.

Keywords: industry, investment, competition, project, investment project, project efficiency, project management, international standards, national standards, project manager

Жаҳон иқтисодиётида глобал даражадаги рақобат курашининг кучайиши туфайли миллий иқтисодиётларнинг инвестицион фаолиятини кенгайтиришга бўлган ҳаракат кучаймоқда. Айниқса, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида самарали инвестицион лойиҳаларни амалга ошириб боришга интилиш натижасида саноат маҳсулотлари экспорти изчил равишда кўпайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти-ни ривожлантириш учун 2018 йилда барча мулкчилик шаклларидаги корхона ва ташкилотларда 60719,2 млрд. сўм ёки 2017 йилга нисбатан 107,1 фоиз асосий капиталга инвестициялардан фойдаланилди. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да[1] инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш, жалб қилинган хорижий инвестициялар ва кредитлардан самарали фойдаланиш каби вазифалар белгилаб берилди. Ушбу вазифалар саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган самарали инвестиция сиёсатини олиб бориш, инвестицион лойиҳалар самарадорлигини оширишда инновацион усуллардан фойдаланиш долзарб муаммага айланган. Шунингдек, амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорларида муносиб рақобатлаша оладиган даражада ривожланмаётганлиги корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш имконини бермаяпти.

Ушбу ҳолатлар республика саноатида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигини оширишнинг методологик

асосларини такомиллаштиришни кун тартибига қўймоқда.

Корхоналар салоҳиятини оширишда инвестициялар нечоғлиқ муҳим аҳамият касб этиши қатор иқтисодчи олимлар асарларида муҳим муаммо сифатида кўтариб чиқилган. Чунончи, Иқтисодчи олим Царевнинг[2] фикрича, инвестиция кўп ҳолларда мамлакат ичида ёки ташқарида иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият юритаётган корхоналарга капитални узоқ муддатга жойлаштириш мазмунида изоҳланади.

Инвестицион лойиҳа эса – режалаштирилган натижалар олиш ва белгиланган муддатларда муайян мақсадларга эришиш учун интеллектуал, молиявий, моддий, номоддий, шу жумладан, маълум миқдордаги ресурсларни инвестициялашни ўз ичига олган ҳаракатлар сифатида тушунилади[3]. Инвестиция лойиҳасининг молиявий натижаси эса кўпинча фойда/даромад ҳисобланади, аниқ натижалар янги ёки реконструкция қилинадиган асосий воситалар (объектлар) ёки молиявий воситаларга моддий-моддий активларни сотиб олиш ва ундан кейин даромад олиш билан боғлиқ бўлади.

"Лойиҳа" концепцияси замонавий иқтисодий адабиётларда ва иқтисодиёт амалиётида кенг қўлланилиб, менежмент концепцияси бўйича вақт ва пул сарфлаш билан боғлиқ бўлган тизимнинг бошланғич ҳолати сифатида қаралади[4].

Лойиҳа муайян бошланғич маълумотлар ва ижро усулини тақозо қилувчи, талаб қилинадиган натижаларга (мақсадларга) эга маълум бир вазифани билдиради. Лойиҳа – бу натижалар сифатига қўйилган талаблар, харажатлар ва ресурсларнинг эҳтимолли чегаралари ва маҳсус ташкил этиш орқали алоҳида тизимни вақт жиҳатидан чегараланган мақсадли ўзгартиришдир[5].

Инвестиция лойиҳаларини бошқариш эса – ишлар таркиби ва ҳажми, қиймати, муд-

дати, сифати ва инвестиция лойиҳаси иштирокчиларини қониқтириши бўйича инвестиция лойиҳасида белгиланган натижаларнинг энг самарали тарзда амалга ошишини таъминлаш мақсадида бошқарувнинг замонавий услублари ва техникалари тизимини қўллаш орқали лойиҳанинг ҳаёт даври мобайнида режалаштириш, ташкиллаштириш, мувофиқлаштириш, рағбатлантириш ва назорат қилиш бўйича фаолият сифатида таърифланади[6].

Ҳозирги кунда хорижий бозорда корхоналар маҳсулотлари рақобатдошлигига эришишда, уларнинг экспорт салоҳиятини оширишда инвестицияларни жалб этиш энг мақбул йўл сифатидаги ўзини оқламоқда. Чунки, аввало ҳали ишга туширилмаган қувватлар жалб қилинган маблағ эвазига ишга тушурилади, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортади, рақобатбардош маҳсулотлар жаҳон бозорида рақобатлаша олиш имконини беради. Иккинчи томондан, инвестор ўз бўш турган пул маблағларини ҳаракатга келтиради. Инвестицион лойиҳалар самарадорлиги дейилганда, ишчи капиталининг ҳаракатланиши давомида активлар оқимининг кўпайиши ёки иштирокчиларнинг капиталдаги улушини ортиришга олиб келувчи молиявий натижавийликнинг ўсиши тушунилади.

Лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш юқорида таъкидлагандек доимий ва даврий тафовутлар мазмунини тушиниш ҳам қийин эмас. Даврий тафовут сифатида уларнинг қопланувчанлигини, доимий тафовут сифатида инвестицион лойиҳалар юзасидан пул ёки активлар оқими ўсиб боришидаги ҳаётийлигини тушуниш мумкин. Бу борадаги илмий тадқиқотлар мамлакатмиз олимларидан С.К. Жумаева[7], Б.Х. Раҳимов, Э.А. Шомирзаев[8] ишларида кўриб ўтилган.

Инвестицион лойиҳаларни бошқариш самарадорлигини баҳолаш, Инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш, давлат активларини ва стратегик аҳамиятли инвестицион лойиҳаларни бошқариш самарадорлигини ошириш, шунингдек, миллий иқтисодиётнинг муттаасил ўсишини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июндаги “Инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини жадал амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қорори талабларига мувофиқлик асосида амалга оширилади.

Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш шартларига боғлиқ ҳолда инвестиция лойиҳаларни бошқаришни баҳолаш ҳар бир босқичга тегишли бўлган жараёнларни ўз ичига олади ва Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган стандарт талабларига мутаносиблигини балансли, эксперт таҳли услуларида фойдаланиш асосида баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Ушбу баҳолаш орқали инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ва лойиҳаларни бошқариш жараёнларига ташхиш қўйилиб асосий муаммолар аниқлаш имконини беради. Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш тизимининг иқтисодий кўрсаткичлар ва уларнинг комплекслари ташкилий хусусиятлар билан мувофиқлаштирилган ва бизнес жараёнлар ва лойиҳа мақсадлари, лойиҳа дастурлари ва лойиҳа оқимлари бўйича тизимлашган маълумотларни ўз ичига олади. Масалан, лойиҳани бошқаришнинг намунавий моделини амалиётга татбиқ этилиши учун лойиҳанинг амалга оширилиши ва бажарилиши муваффақиятини тавсифловчи зарур иқтисодий кўрсаткичлар ва улардан фойдалана олиш учун методологик воситалар тизим мажмуасини тизимлаштириш талаб этилади.

Ишни бажариш ва тугаллаш индекслари (ТСPI),[9] лойиҳани амалга оширилиши тугалланадиган бюджет (BPZ) ёки якуни прогнози (PPZ) каби бошқарув кўрсаткичларига эришиш учун лойиҳанинг қолган иш ҳажмида амалга оширилиши керак бўлган харажатларнинг прогнози. Бу “қолган иш” ва “қолган молия” ўртасидаги нисбати ҳисобланади. Юқоридаги усуллар инвестицион лойиҳаларни бошқариш жараёнлари бўйича оптимал ечимларни топиш, лойиҳаларни амалга ошириш самарадорлигини ошириш ва ўз вақтида бажариш имкониятларини баҳолашнинг методологик ёндашувлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида» 2017 йил 18 декабрдаги ПҚ-3437-сонли ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва рўёбга чиқариш, давлат харидларини амалга ошириш доирасида ҳужжатларни комплекс экспертиза қилишнинг самарали тизимини яратиш тўғрисида» 2018 йил 8 январдаги ПҚ-3464-сонли қарорларига

мувофиқ инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларнинг лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, комплекс экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган. Ушбу меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасида инвестицион лойиҳалар бўйича ишларни мувоқлаштирувчи орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ваколатли орган сифатида белгилаб берилган. Шунингдек, Марказ лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини, шунингдек, маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимларга мувофиқ амалга ошириладиган, молиялаштириш манбаларидан қатъи назар инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун техник вазифаларни комплекс экспертизадан ўтказиш белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги ПФ-5120-сонли Фармонида биноан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги хорижий кредитлар, заём ва грантлар маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган давлат ва ҳудудий дастурлар, инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишининг самарадорлиги ва шаффофлигини ошириш, инвестицион лойиҳаларни бошқаришда ягона миллий ахборот тизими шакллантириш вазифаларини амалга оширади.

Юқоридаги ислохатлар эса инвестицион лойиҳаларнинг бошқариш жараёнларидаги қуйидаги асосий муаммоларни ечишга қаратилди:

лойиҳа бошқаруви (ташкиллаштириш, мувофиқлаштириш, мониторинг ва назорат қилиш)да ягона тизимнинг мавжуд эмаслиги;

лойиҳалар жараёни ва уларни амалга оширилишини онлайн тартибда кузатиш имконини берувчи ахборот-коммуникация технологияларини лойиҳа бошқаруви жараёнига етарли даражада татбиқ этилмаганлиги;

дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда очиқлик ва шаффофлик даражасининг пастлиги турли хил суистеъмол ҳолатларини келтириб чиқараётганлигини, маблағлар мақсадсиз сарфланиши ва нархлар асоссиз оширилиши белгиларининг мавжудлигини кўрсатди;

давлат харидларини амалга оширувчи ягона ахборот муҳити ҳамда товарлар, ишлар ва хизматларнинг ҳақиқий бозор нархини аниқлаш имконини берувчи товарлар, ишлар ва хизматларнинг ягона таснифи мавжуд эмаслиги.[10]

Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви учун асосан 2 та халқаро стандартларга мувофиқлаштирилган миллий стандартлар амал қилади ва улар қуйидагилар:

О`з DSt ISO 21500:2018 - лойиҳалар бошқаруви бўйича қўлланма;

О`з DSt ISO 21503:2017 – лойиҳалар, дастурлар ва лойиҳа портфелларини бошқариш лойиҳаларини бошқариш бўйича қўлланма;


О`з DSt ISO 21504:2018 - лойиҳалар, дастурлар ва лойиҳа портфелларини бўйича қўлланмалардир;

Амалдаги стандартларга мувофиқ республикадаги аҳамиятга молик бўлган инвестицион лойиҳалар тегишли талаблар асосида бошқарилади. Шунга асосан, корхоналар лойиҳаларни бошқариш бўйича асосий фаолият йўналишларини амалдаги стандартларга мувофиқлигини баҳолаш орқали инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнларидаги муаммоларни аниқлаш имконияти мавжуд.

Саноат корхоналарининг инвестицион лойиҳаларни бошқариш – унинг концепциясига мувофиқ, 1-расмда кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

Саноат корхоналарида амалга ошириладиган инвестицион лойиҳалар саноатни ривожлантириш мақсадларига эришиш, муайян талабларга жавоб берадиган натижаларни тақдим қилишни талаб қилади. Ҳар қандай инвестицион лойиҳаларда бир қатор чекловлар мавжуд бўлиб, улар кўпинча лойиҳа талабларини қаноатлантириши, мазмун, сифат ва муддатлар, ресурслар ва нархи каби чекловларга мос келиши керак. Ушбу чекловлар чекловлар лойиҳаларни қабул қилинадиган қарорларга таъсир кўрсатиши мумкин.

Ҳар бир инвестицион лойиҳа маълум бир бошланиш ва тугаш санасига эга ва одатда улар эришилиши керак бўлган мақсадлар, рисклари, ўлчами ва вақт чегараси, лойиҳа жамоасининг тажрибаси, ресурслар қулайлиги, тарихий ахборот хажми, лойиҳаларни бошқариш бўйича ташкилотнинг салоҳияти, шунингдек, уларни амалга ошириш бир қатор омилларига боғлиқ равишда фарқланади.



1-расм. Саноат корхоналарининг инвестицион лойиҳаларини бошқариш тизими

Манба: Муаллиф ишланмаси

Инвестицион лойиҳаларни умумий бошқариш корхоналарда лойиҳа бўйича менежери фаолияти билан боғланиб қолмасдан, лойиҳа бўйича ишларга тегишли бўлган бошқа қатор соҳаларни ҳам ўз ичига олади ва улар қуйидаги жиҳатларга таянади:

- бошқариш тузилмасини аниқлаш;
- қўлланиладиган сиёсат, жараёнлар ва методологиялар;
- қарорларни қабул қилишда ваколатларни чеклаш;
- манфаатдор томонларнинг жавобгарлиги ва ҳисобдорлиги;
- ҳисобот бериш доирасида ўзаро ҳамкорлик ва янада юқори даражага муаммо ва хавфларни чиқариш.

1-расмга кўра белгиланган лойиҳалаш ташкилоти - бу вақтинчалик тузилма бўлиб, узида лойиҳадаги ролларни, жавобгарликни, ваколатлар чегараси ва даражасини ташкил қилади. Лойиҳалаш ташкилоти ўзида қуйидаги ролларни ва жавобгарлик зоналарини ташкил қилиши мумкин:

а) лойиҳа менежери - лойиҳа ишларига раҳбарлик қилади ва бошқаради, ҳамда унинг якунланишига жавобгардир;

б) лойиҳани бошқариш жамоаси - лойиҳа менежерига лойиҳа ишларига раҳбарлик қилиш ва бошқаришда кўмаклашади;

в) лойиҳа жамоаси (гуруҳ) - лойиҳа ишларини бажаради;


Инвестицион лойиҳаларни бошқариш жараёнидаги асосий муаммоларни аниқлаш учун аввало ундаги жараёнларни таснифлаш

мақсадга мувофиқ бўлиб, таҳлил учун ушбу жараёнларни амалга ошириш ҳолатини қай даражадагилигини турли усуллар асосида баҳолашни назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикасининг лойиҳалар бошқаруви бўйича қўлланма стандартига кўра (O'zDSt ISO 21500:2018) улар бир нечта босқичлардан ва жараёнлардан иборатдир.

Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнларини баҳолашда лойиҳалар бошқаруви бўйича қўлланма стандартига кўра (O'zDSt ISO 21500:2018) ҳар бир босқичнинг мувофиқлигини текширишни назарда тутиш лозим. 2-расмда келтириб ўтилган мунобатлар инвестицион лойиҳалар самардорлигини баҳолаш бўйича омиллар гуруҳи ва ушбу омилларнинг умумий лойиҳани бажарилиш дараёнидаги реал ҳолат билан таққослаш орқали амалга оширилади. Яъни инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнининг барча босқичлари учун мувофиқ келувчи сифат хусусиятлар (X_n) лойиҳаларни амалга ошириш жараёнидаги барча фазасига ёки қай даражада қўлланилаётганлигини белгилаб берувчи индикаторлар ҳисобланади. Ушбу индикаторлар шарҳи эса Ўзбекистон Республикасининг лойиҳа бошқаруви бўйича қўлламада (O'zDSt ISO 21500:2018) келтирилган.

2-расмга кўра инвестицион лойиҳалар жами 10 та сифат хусусиятига эга бўлган боғлиқ ўзгарувчилар ва жами 41 та мустақил ўзгарувчилардан иборат омиллар тизимини шакллантиради.



2-расм. Инвестицион лойиҳаларни бошқариш жараёнлари, уларнинг иштирокчилари ва сифат хусусиятларининг мувофиқлиги.

Манба: муаллиф ишланмаси

Юқоридагилардан келиб чиқиб инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш учун қуйидаги формула

таклиф этилади. Жараён самарадорлигини баҳолаш формуласи:

$$J_i = LB_{ij} + R_{ij} + B_{ij} + MN_{ij} + LY_{ij} \quad (1)$$

Лойиҳани бошқариш жараёнларини баҳолаш бўйича танланган мезонларнинг ҳар бири лойиҳа самарадорлигига турли даражада таъсир кўрсатади деган мулоҳаза келти-

рилади ва салмоқ коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда (1.1) формула қуйидаги тартибда ёзилади:

$$J_i = a_1 LB_{ij} + a_2 R_{ij} + a_3 B_{ij} + a_4 MN_{ij} + a_5 LY_{ij} \quad (2)$$

Бунда, $0 \leq a_n \leq 1$ да бўлиб, уларнинг йиғиндиси бирга тенг;

a_n — салмоқ коэффициентлари ҳисобланиб, инвестицион лойиҳаларни бажарилишини баҳолаш учун танланган омилларнинг қай даражада таъсир кўрсатишини белгилаб берувчилардир;

Салмоқ коэффициентлари ўрганилаган инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнларида таъсир этувчи омилларнинг сонига кўра аниқланади (n -омиллар сони), бунда:

$$n = \sum \nabla X_n = 39$$

Ушбу формуладан келиб чиқиб, қуйидагиларни топамиз:

$$a_1 = \frac{1}{39} * 3 = 0,076 ; a_2 = \frac{1}{38} * 16 = 0,410 ; a_3 = \frac{1}{38} * 7 = 0,179 ;$$

$$a_4 = \frac{1}{38} * 12 = 0,308 ; a_5 = \frac{1}{38} * 2 = 0,051$$

Иккинчи формулага салмоқ коэффициентларини қўйиб, қуйидагича ёзамиз:

$$J_i = 0,076LB_{ij} + 0,410R_{ij} + 0,179B_{ij} + 0,308MN_{ij} + 0,051LY_{ij} \quad (3)$$

Келтирилган (3) формула бизга инвестицион лойиҳаларни танланган корхоналар бўйича баҳолаш имкониятини беради. Ушбу формула асосида инвестицион лойиҳалар самарадорлигини экспертлар сўрови орқали аниқлаш ёки тегишли стандарт талабларига мувофиқ белгилаб олиш имкониятларини яратади.

Юқоридаги формула асосида корхоналарнинг инвестицион лойиҳалар самарадорлигини белгиловчи омилларнинг ҳар бир 3 та шкала бўйича расмийлаштирилган ҳужжатлар ва амалга оширилган ишлар қўлами бўйича меърий (3 балл); меъёр даражасида эмас (2); мавжуд эмас (1) мувофиқ каби баҳоланади ва улар, саноат корхоналарида инвести-

цион лойиҳалар бўйича ишловчи бўлимлар зиммасига юклатилади.

Юқорида таклиф этилган методология бўйича саноат корхоналарини инвестицион лойиҳаларни бошқариш жараёнидаги ҳужжатлар асосида инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш жараёни баҳолаш мумкин. Корхоналар томонидан инвестицион лойиҳаларнинг самарали амалга оширишнинг энг юқори натижаси 117 балл ҳисобланади ва энг қуйи чегараси 39 баллни ташкил этади.

Корхоналарнинг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнларини баҳолашнинг (3) формула асосида ҳисобланган натижаларини 1-жадвалда ифодалаймиз.

1-жадвал

Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жараёни самарадорлигини баҳолаш натижалари

Лойиҳа босқичлари	Белгилаш	Стандарт бўйича	А	Б	С
Лойиҳани бошланиши	LB	0,6923	0,692	0,615	0,692
Лойиҳани режалаштириш	R	19,692	13,538	12,718	14,359
Лойиҳани бажариш	B	3,759	2,872	2,148	2,864
Лойиҳа мониторинги ва назорати	MN	11,08	7,077	7,692	7,385
Лойиҳани якунлаш	LY	0,1026	0,154	0,103	0,154
Жараён самарадорлиги	J	35,323	24,333	23,276	25,454
Фарқи, (+/-)			-10,990	-12,047	-9,869

Манба: Муаллиф ҳисоб-қитоблари асосида олинган натижалари.

Мисол тариқасида олинган “А”, “Б”, “С” саноат корхоналарида амалга оширилган инвестицион лойиҳаларни бошқариш самарадорлигини баҳолаш натижаларидан маълум бўлмоқдаки, таҳлил этилган корхоналар бўйича инвестицияларни бошқариш самарадорлиги юқори эмас.

“А” ҳамда “С” корхоналар томонидан лойиҳани бошланиши интеграцион жараёнлар, манфаатдор томонлар билан келишув ва ресурсларни режалаштиришда хатоликларга деярли йўл қўйилмаган. Бу боража “Б” корхона томонидан лойиҳа низоми тегишли талабларга жавоб бермаслик ҳолати аниқланди. Таҳлил этилган корхоналарда лойиҳани режалаштириш жараёнларида қўплаб камчиликларга йўқ қўйилмоқда, айниқса нархни назорат қилиш, хавфларга нисбатан ҳаракат

қилиш ва коммуникацияни режалаштириш жараёнлари бўйича бошқарув жараёнларига эътибор қаратилмаган.

Корхоналар томонидан лойиҳани бажариш жараёнларидаги асосий камчиликлар сифатида ҳавфларни назорат қилиш ва маълумотни тарқатиш жараёнларида асосий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Шунингдек, лойиҳани бажариш жараёнларини бошқариш бошқа меъёрий нормаларга нисбатан барча корхоналарда паст коэффициентларини ташкил этмоқда. “Б” корхона томонидан лойиҳа ишларини бошқариш тегишли норма ва талабларга номувофиқлик ҳолатлари кузатилди.

Корхоналар томонидан лойиҳа мониторинги ва назоратини амалга ошириш жараёнларида лойиҳани ёки лойиҳа фазасини якунлашда, операцияларни аниқлашда, маълумот-

ни тарқатиш ва коммуникацияларни бошқаришда камчиликлар мавжуд бўлиб, ушбу ҳолатлар бўйича мақсадли чораларни белгилаш каби ҳолатлар аниқланди.

Лойиҳани яқунлаш жараёни бўйича корхоналар таҳлил этилган барча корхоналарда етарлича ишлар амалга оширилмаган.

Умумий натижаларга кўра “С” корхонада инвестицион лойиҳаларни бошқариш қолган корхоналарга нисбатан устунлик жихатларга эга бўлсада, стандарт бўйича талабларга -9,8 коэффицентни, “А” корхонада - 10,990 коэффицентни, энг юқори фарқ “Б” корхонада - 12,047 коэффицентни ташкил этди.

Таҳлил натижаларидан маълум бўлмоқдаки, таклиф этилаётган методология саноат корхоналарда инвестицион лойиҳаларни бошқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини беради.

Амалга оширилган таҳлил натижалари корхоналар томонидан лойиҳани бажариш жараёнларидаги асосий камчиликлар сифатида хавфларни назорат қилиш ва маълумотни тарқатиш жараёнларида асосий камчиликларга йўл қўйилаётганлиги аниқланди. Саноат корхоналарида лойиҳани бажариш жараёнларини бошқариш бошқа меъёрий нормаларга нисбатан барча корхоналарда паст коэффицентларини ташкил этди. Айниқса танлаб олинган Б корхона томонидан лойиҳа ишларини бошқариш тегишли норма ва талабларга номувофиқлик ҳолатлар мавжуд эканлигини борасида хулосалар олинди. Таҳлил натижалари корхоналарда инвестицион лойиҳаларни бошқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи тизимни шакллантириш ва уни бошқаришда самарали тизимларни қўллаш долзарб вазифлар сифатида белгилаш лозимлини аниқланди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш самара-

дорлигини ошириш учун саноат корхоналарида самарали тизимларни жорий қилиш, стратегик мақсадлар қуйидагиларга қаратилиши лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Инвестиция лойиҳаларини самарали бошқариш мувофиқ ҳуқуқий-ташқилий таъминот билан қўллаб-қувватланмоғи, амалдаги лойиҳани бошқариш тизимидаги мавжуд муаммоларни ечишда интерактивликни ошириш лозим. Бунда инвестицияларни бошқариш масаласида барча эскирган ёндашувлардан воз кечиб инновацион бошқарув усуллари жорий этиш мақсадга мақсадга мувофиқ.

2. Ахборот технологиялари корхонанинг барча кўринишидаги ресурсларини рационал бошқаришга, шунингдек, инвестицион лойиҳаларни амалга ошираётган корхоналарда самарали бошқарув тизимларини амалга ошириш имкониятини беради. Ресурсларни ҳар доим чекланган ҳолатда бўлишлиги шароитида, қатъий самарага эришиш учун ресурсларни бир жойга жамлаш тўғрисидаги бошқарув қарорларини тўғри ва ўз вақтида қабул қилиниши фаолият муваффақиятининг асосий омили ҳисобланади.

3. Бугунги кунда ахборот оқимининг интерактивлиги тобора муҳим аҳамият касб этаётганлиги сабабли, барча тизимларда айниқса инвестицион лойиҳаларни бошқаришда ҳам фаол қўлланилишни талаб этмоқда.

4. Йирик инвестицион лойиҳаларни бошқариш аввало лойиҳанинг мақсадларига эришиш ва унинг энг муқобил вариантларини танлаш бўйича муаммоли вазиятларни келтириб чиқаради. Инвестицион лойиҳаларни бошқаришга ахборот коммуникация тизимларини жорий этиш эса лойиҳани ўз вақтида бажарилишига, инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланишга, лойиҳа мақсадларига эришишнинг асосий самарадорлигига эриши имкониятини таъминлайди.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. // «Халқ сўзи» 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сон
2. Царев В.В. (2004) «Оценка экономической эффективности инвестиций». –СПб; Питер, – 19 с.
3. Ковалевская Н. Ю. (2015) Экономическая эффективность инвестиционных проектов : учеб. пособие / Н. Ю. Ковалевская. – Иркутск : Изд-во БГУЭП, 2015. – 16 с.
4. Pedro Belli, Jock R. Anderson, Howard N.Barnum, John F. Dixon, Jee-Peng Tan. (2000) Economic analysis of investment operations. The World Bank, Washington. D.C. p-99
5. Виленский П.Л., Лившиц В.Н., Смоляк С.А. (2002) «Оценка эффективности инвестиционных проектов» Москва Издательство «ДЕЛО». 29-бет.
6. Шеремет В.В., Павлюченко В.М., Шапиро В.Д. (1998) «Управление инвестициями» Москва, «Высшая Школа», 82-83 бетлар.
7. Жумаева С. К. (2012) Инвестициялар самарадорлиги ва уни баҳолаш услублари. Иқтисод ва молия / Экономика и финансы № 11.
8. Раҳимов Б.Х., Шомирзаев Э.А., Қосимова С.Т., Гриценко А.С., Мухибов Е.У. (2010) «Шаҳар қурилиши ва хўжалиги иқтисодиёти» ўқув қўлланма. –Тошкент. 16-бет;
9. <http://mahamba.com/ru/index-proizvoditelnosti-do-zaversheniya-ipdz>
10. <https://napm.uz/oz/activities/loyihaviy-boshqaruvni-rivozhlantirish/>